

*Ниёзов Зухур Давронович
Иқтисодиёт фанлари номзоди
“Банк иши” кафедраси
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

*Тамара Абдибаева
Иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал
институти*

*Назаров Абдукарим Кушарович
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал
институти катта ўқитувчи*

**БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНИШИ,
ХУДУДЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИККА
ЭРИШИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ**

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда банк-молия соҳасини ислоҳ қилиши ва эркинлаштириши, барқарор ривожланишини ҳамда иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш, тижорат банкларининг самарадорлигини ошириш ва капиталлашиши даражасини кўтариши, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириши, замонавий банк хизматларини жорий этиши бўйича таклифлар ва тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: Транзакция, кредит, сейф-сизам, мобиль технология, контокорент кредити, овердрафт кредити, скоринг кредити, факторинг, лизинг, траст операцияси, сейф-сизам хизматлари, воситачилик хизматлари, кредит шартнома, аутсоринг хизмати, халқаро пул ўтказмалари.

Niyazov Zuhur Davronovich

Candidate of Economic Sciences

Department of Banking

Samarkand Institute of Economics and Service

Tamara Abdibaeva

Candidate of Economic Sciences, Associate Professor

Fiscal Institute under the State Tax Committee of the Republic of

Uzbekistan

Nazarov Abdukarim Kusharovich

He is a senior lecturer at the Fiscal Institute under the State Tax

Committee of the Republic of Uzbekistan

DEVELOPMENT OF THE BANKING AND FINANCIAL SECTOR WILL PROVIDE FINANCIAL INDEPENDENCE OF THE REGIONS

Abstract: *The article presents proposals and recommendations for reforming and liberalizing the banking and financial sector in the country, ensuring sustainable development and wide participation in structural changes in the economy, increasing the efficiency and capitalization of commercial banks, developing the securities market, and introducing modern banking services.*

Keywords: *Transactions, credit, safe, mobile technologies, overdraft credit, overdraft credit, scoring credit, factoring, leasing, trust transaction, safe deposit box services, brokerage services, loan agreement, outsourcing services, international money transfers.*

Кириш:

Сўнгги йилларда мамлакатимизда банк-молия соҳасини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, барқарор ривожланишини ҳамда иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш, тижорат банкларининг самарадорлигини ошириш ва капиталлашиш даражасини кўтариш, қимматли қофозлар бозорини ривожлантириш, замонавий банк хизматларини жорий этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу соҳани ривожлантириш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни молиявий қўллаб-қувватлашда банклар муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сонли қарорига мувофиқ, ҳудудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожланишини, табиий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, ҳудудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш [1] мақсадида Самарқанд вилояти Жомбой туманинг фаолияти ҳудудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантиришдаги долзарб масалаларга эътибор қаратилиши жуда муҳим бўлиб хисобланади.

Адабиётлар шархи:

З. Я. “Рахманов “Банк стратегиясининг таркибий элементларининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш натижаларини ифодалашдан олдин банк стратегияси тушунчасига тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ. Моҳиятан олганда банк стратегияси - бу банк ҳужжатларида расман акс эттирилган ва банк хизматлари бозоридаги фаолиятнинг энг аҳамиятли мақсадлари ҳамда уларни амалга ошириш юзасидан ёндашувлар жамланмасидир. Айни пайтда, стратегиянинг таркибий элементлари узвий

ва мантиқий боғлиқликка эга бўлиши, шунингдек, уни амалга оширувчилар, назорат органлари, банк мижозлари ҳамда кенг жамоатчилик учун тушунарли кўринишда ва аниқ ифодаланиши талаб қилинади. Шу билан бир қаторда, стратегия банк фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ифодалаш билан бир қаторда, уларни мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш стратегиясида назарда тутилган параметрлар билан алоқадорлигини таъминлаши зарур бўлади”.¹ деб фикр билдирган.

Н.Шарипова “Аҳоли молиявий саводхонлигини янада ошириш. Рақамли технологияларни инсонлар ҳаётига кенгроқ кириб келишини таъминлаш банк хизматларидан масофавий фойдаланишни кенгайтиради. Аҳоли молиявий саводхонлиги қанчалик юқори бўлса, тижорат банкларининг таклиф қиласиган хизматларида ўз-ўзидан янги технологияларни жорий этилишига олиб келинади”.² деб келтирилган.

Қуйидаги фикрларни билдирган и.ф.н Ф.Ў., Додиев “Тижорат банкларининг корхоналарга инвестиция қилиши учун ўрнатилган чекловларни юмшатиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" янги тахрирдаги қонунининг 7-моддасига ўзгартириш киритиб, банкларга юридик шахсларнинг устав фондларидағи (устав капиталларидағи) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқини олиб ташлаш лозим. Ушбу улушлар ёки акциялар ҳамда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларнинг иккиласми бозорига жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш улушкини 30 фойздан ортиқ бўлмаган миқдорда деб белгилаб қўйиш керак. Шундагина тижорат банклари корхоналар корпоратив бошқарувига

¹ http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/23_Rakhmonov.pdf

² file:///C:/Users/User/Downloads/Тижорат%20

таъсир қилиш имкониятига эга бўлади ва уларга инвестиция қилишдан манфаатдор бўлади”.³

Методология: Ушбу мақолада мамлакатимизда банк-молия соҳасини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, барқарор ривожланишини ҳамда иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш, тижорат банкларининг самарадорлигини ошириш ва капиталлашиш даражасини кўтариш, қимматли қофозлар бозорини ривожлантириш, замонавий банк хизматларини жорий этиш бўйича масалалари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мамлакатимизда банк-молия соҳасини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, барқарор ривожланиши тушунчасига иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар ва меъёрий хужжатлардага келтирилган нормалар умумлаштирилган. Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, статистик кузатиш, статистик ва солиштирма таҳлил усусларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартағи “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3620-сонли қарори қабул қилиниши банк хизматларини кўрсатишда мавжуд муаммолар ва банклар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб берди.

“Жумладан;

банк фаолиятининг илфор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш;

банклар филиаллари ва мини-банклар қопланишини ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда банклар филиаллари ва мини-банклари тармоғини кенгайтириш;

³ http://journal.bfa.uz/maqola/Dodiev_F_2_2020.pdf

филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳукуқларини кенгайтириш;

транзакцияларнинг хавфсиз ва узлуксиз амалга оширилишини таъминловчи миллий чакана тўлов тизимини тузиш ва ривожлантириш;

қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш; нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш;

бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, ҳудудларда жорий этиш; халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш заруратини келтириб чиқаради.”[2]


Жомбой туман худудида 3 та тижорат банкларнинг туман филиаллари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу банклар атига 3-4 та йирик махаллий мижозларга эга холос. Аксарият банк операциялари жисмоний шахсларга чакана хизматлар кўрсатиш ва мақсадли кредитлар ажратиши ишларини амалга ошириб, банк филиаллари ўртасида рақобат мавжуд эмас, чунки АТ “Агробанк” туман филиали фермер хўжаликларига хизмат кўрсатса, ТИФ миллий банк туман филиали минтақадаги қисман Булунғур ва Оқдарё тумани, аҳолига ҳам истеъмол кредитлари беришда фаолият кўрсатмоқда.

АТ “Халқбанк” туман филиали эса жисмоний шахсларнинг комунал тўловлари пенсия тўловлар ва мақсадли кредитлар ажратишда лидерлик қилмоқдалар.

ТИФ Миллий банк Жомбой филиали томонидан 2019-2020

йилларда ажратилган кредитлар (фоизда) [3]

1- расм



ТИФ Миллийбанк Жомбой филиали томонидан ажратилган кредитлар портфели тахлили шуни кўрсатадики 2019-2020 йилларда ажратилган кредитларнинг 42 фоиз ипотека кредитларини, 28 фоиз ахоли тадбиркорлигини, 25 фоиз маиший техника сотиб олиш учун ажратилган кредитларини, 4 фоиз автокредитларни ва 1 фоиз таълим кредитини ташкил этган.

АТ “Агробанк” Жомбай филиали томонидан 2019-2020 йиллар

давомида ажратилган кредитлар.[3]

Кредитлаш соҳаси	2019 йил				2020 йил				Жами		
	Жисмоний шахслар		Юридик шахслар		Жисмоний шахслар		Юридик шахслар		2019 йил	2020 йил	Жами
	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма			
Балиқчилик	4	115		472	18	513	2	350	587	863	1 450
Нон ва нон махсулотлари	6	145	3	380	-	-	9	273	525	273	798
Паррандачилик	18	75	1	710	114	848	-	-	785	848	1 633
Мебель, акфа ромлари, профиллар	-	-	5	1 275	-	-	6	169	1 275	169	1 444
Тикувчилик	16	372	-	-	34	664	-	-	372	664	1036
Ун тегирмони модернизацияси	-	-	1	12 200	-	-	-	-	12 200	-	12 200
Мини футбол ўйингоҳи	-	-	1	200	-	-	-	-	200	-	200
Болалар боғчаси	-	-	1	45	-	-	-	-	45	-	45
Тиббий хизматлар	-	-	3	1 100	-	-	-	-	-	-	1 100
Маишӣ ва транспорт хизмати	11	310	5	17 05	8	187	5	2 455	2 015	2 455	4 470
Туризм хизмати	-	-	-	-	-	-	-	312	-	312	312
Ихчам иссиқхона	174	4 341	-	-	248	6 051	-	-	4 341	6 051	10 392
Картошка уруғи	102	2 032	-	-	114	2 175	-	-	2 032	2 175	4 207
Қўйчилик	18	148	-	-	13	364	-	-	148	364	512

АТ “Агробанк” Жомбай филиали томонидан 2019-2020 йиллар давомида ажратилган кредитлар таҳлили шуни кўрсатадики, банк филиали томонидан йирик инвестицион фаолият учун маблағлар йўналтирилмаган.

Жомбай туман АТ “Халқбанки” туман филиали томонидан жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича 2019-2020 йилларда ажратилган жами кредитлар қўйилмаси 62 080,0 млн сўм бўлиб шундан:

- ✓ Жисмоний шахслар учун; 31,5 млн сўм.
- ✓ Юридик шахслар учун; 30,6 млн сўм.

Бунда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар:

1. Имтиёзли кредитлар (ПҚ-4231, ПҚ-4498) 7,5 млн сўм.
2. Ипотека кредитлари 12,5 млн сўм.
3. Истеъмол ва бошқа турдаги кредитлар 11,5 млн сўм.


Юридик шахсларга ажратилган кредитлар:

1. Айланма маблағни тўлдириш учун 4,5 млн сўм.
2. Хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишига 2,5 млн сўм.
3. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 5,8 млн. Сўм.
4. Қишлоқ хўжалиги йўналишига 12,7 млн сўм.
5. Бошқа йўналишлар учун 5,1 млн сўм.

Жомбай туман АТ “Халқбанки” туман филиалининг кредит портфелининг салмоғи қуидаги 2-расмда акс этирилган.[3]

Кредит портфели

■ Чакана кредитлар ■ Юридик шахсларга берилган кредитлар



Жомбай туман АТ “Халқ банки” банк филиали томонидан ажратилган кредитлар салмоғи шуни күрсатадыки жами ажратилган кредитларнинг 51 % чакана кредитлар бўлиб банк асосан жисмоний шахслар билан амалий ишлар олиб борилаётгандигидан далолат беради.

Жомбай туман банклар филиаллари ва мини-банклар қопланишини ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда банклар филиаллари ва мини-банклари тармоғини кенгайтириш; (10 минг аҳолига 1 та банк тўғри келишини инобатга олганда, ўртача туманда қаридан 15 га яқин банк бўлинмалари фаолият кўрсатиши мумкин).

Хулоса ва таклифлар:

- туманда нобанк кредит ташкилотлари (ломбард, микрокредит, микролизинг ва бошқа турли жамғармалар)ни шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ҳамда сифатини ошириш, туман банк

филиалларини монополлигини пасайтириш, ахолининг вақтинча бўш пул маблағларини жалб қилишда рақобатни қучайтириш;

- бевосита мулоқотсиз ва мобиль технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, маҳаллаларда ва аҳоли гавжум жойларда жорий этиш; (**тумандаги 38 та маҳаллаларда банкоматлар тармоғини кенгайтириш**).

- туман филиаллари бош банк билан келишилган тартибда, меҳмонлар, туристлар кўпроқ қатнайдиган жойларда куну-тун ишлайдиган автоматлаштирилган валюта айирбошлиш шохобчалари ташкил этилишини жадаллаштириш, айниқса (М 39 магистрал йўлни Жомбой тумани худудидан ўтиши жойларидағи автозаправкалар ва бошқа аҳоли гавжум жойларда);

- туман банк филиалари секторини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилашда туман банк тизимиға янги банк маҳсулотларни жорий этиш, яъни; контокорент кредити, овердрафт кредити, скоринг кредити, факторинг, лизинг, траст операцияси, сейф-сизам хизматлари, воситачилик хизматлари, мижозлар учун қулай мураккаб бўлмаган бошқа кредит шартномалари тузиш, аутсоринг хизмати, халқаро пул ўтказмалари тизимини такомилаштириш.

- сейф-сизам хизматини жорий этиш орқали, аҳолининг қимматли буюмлари, бойликлари, қимматли хужжатлари банк сейфларида сақланади, вақтинча банкга қўйиш орқали кредитлар олишга гаров сифатида фойдаланилади, мерос сифатида сақланиб шартномаланган талаблар банк орқали бажарилади, йўқотиб қўйиш, ўғирлик жиноятлари камаяди, банкнинг даромади ошади.

- туманда банк тизимини ривожлантиришни аутсоринг хизматини йўлга қўйилиши орқали олис ва чекка маҳаллаларда, аҳоли гавжум яшайдиган жойларда, йирик корхоналарда, почта алокаси бўлимларида

(туманда 38 та маҳалла марказлари) банк хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиши. “Республиканинг камидаги 1 000 та почта бўлимида, айниқса, олиса чекка ҳудудларда молиявий хизматлар турларини, хусусан, аҳолидан тўловлар қабул қилишни икки баробарга кенгайтириш ҳамда аутсорсинг асосида банк хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиши”[4]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 23 февралдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. ПҚ-3620-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сон Қарори.
3. АТ ”Халқ банки” 2020 йил 12 октябрдаги Самарқанд вилоят Жомбой туман филиалининг молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *T., 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПҚ-4921-сонли қарори.